



BASIS OF LIABILITY FOR OFFENSES RELATED TO THE TRANSFER OF JEWELRY AND CURRENCY VALUES FROM PRECIOUS METALS ACROSS THE CUSTOMS BORDER

Azamat Sherkulov

Master's student

Academy of Law

Enforcement "Investigative Activities" Customs Committee personnel officer, captain
Uzbekistan

E-mail: sherkulovazamat180@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: jewelry made of precious metals, currency valuables, customs offense, customs control, declaration, offense.

Received: 01.05.25

Accepted: 03.05.25

Published: 05.05.25

Abstract: The article provides a scientific and comparative analysis of the procedure and methods of customs clearance of jewelry and currency valuables made of precious metals, highlights some issues currently arising in judicial and investigative practice, problems of liability for currency smuggling, and proposals for legislation on their solution.

ЌИММАТБАЊО МЕТАЛЛАРДАН ЯСАЛГАН ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ ВА ВАЛЮТА ЌИММАТЛИКЛАРИНИ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИДАН ОЛИБ ЎТИШ БИЛАН БОЎЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ

Азамат Шеркулов

Магистатура талабаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси

“Тергов фаолияти” мутахассислиги тингловчиси Божхона қўмитаси кадрлар ихтиёридаги ходими, капитан

Ўзбекистон

E-mail: sherkulovazamat180@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик буюмлари, валюта қимматликлари, божхона ҳуқуқбузарлиги, божхона назорати, декларациялаш, ҳуқуқбузарлик.

Аннотация: Мақолада қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик буюмлари ва валюта қимматликларини божхонадан олиб ўтиш тартиби ва усуллари илмий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиниб, ҳозирги вақтда суд-тергов амалиётида юзага келаётган айрим масалалар, валютани олиб ўтиш билан боғлиқ учун жавобгарлик муаммолари ҳамда уларнинг ечими

ОСНОВАНИЕ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРАВОНАРУШЕНИЯ, СВЯЗАННЫЕ С ПЕРЕМЕЩЕНИЕМ ЧЕРЕЗ ТАМОЖЕННУЮ ГРАНИЦУ ЮВЕЛИРНЫХ ИЗДЕЛИЙ И ВАЛЮТНЫХ ЦЕННОСТЕЙ ИЗ ДРАГОЦЕННЫХ МЕТАЛЛОВ

Азамат Шеркулов

магистрант

Академии правоохранительных органов

«Следственная деятельность» кадровик таможенного комитета, капитан

Узбекистан

E-mail: sherkulovazamat180@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: ювелирные изделия из драгоценных металлов, валютные ценности, таможенное правонарушение, таможенный контроль, декларирование, правонарушение.

Аннотация: В статье с научной точки зрения проведен сравнительный анализ порядка и способов таможенного оформления ювелирных изделий и валютных ценностей из драгоценных металлов, освещены некоторые вопросы, возникающие в настоящее время в судебно-следственной практике, проблемы ответственности за перевозку валюты и предложения в законодательство по их решению.

КИРИШ: Ўзбекистон Республикасида валюта қимматликлари ва қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик буюмларини божхона чегараси орқали олиб ўтишни назорат қилиш мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини, молиявий барқарорлигини ва қонунчиликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш валюта қимматликлари ва заргарлик буюмларининг ноқонуний ҳаракати мамлакатнинг пул-молия тизими ва иқтисодий барқарорлигига таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни тез ва тўла очиш, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳар бир шахсни фош этиш, ҳуқуқбузарликни тўғри малакалаш, етказилган мулкий зарарни қоплаш, айбсиз инсонни жавобгарликка тортилмаслиги ва жиноят иши бўйича адолатни қарор топишида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва қонунчиликни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда бу жараён назоратсиз ва тартибсиз бўлса, мамлакатнинг валюта захиралари ёки қимматбаҳо металллар захираларига хавф солиши мумкин. Бунинг натижасида иқтисодий барқарорлик ва миллий валютанинг қадрига таъсир қилиш хавфи бор.

Давлатлар ўз иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакат ҳудудига товарларни олиб келиш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиб кетишининг махсус тартибини белгилайди.

Хусусан, айрим товарларни олиб чиқиб кетиш, ташиб келтириш тақиқланса, бошқа товарларнинг келтирилиши ва олиб чиқилишини эса чеклайди.

Бинобарин, ана шу чекловларга риоя қилиш, валюта назоратини тўлиқ таъминлашда терговга қадар текширув ва суд-тергов амалиётида заргарлик буюмларини ва валюта қимматликларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларни тез ва сифатли аниқлаш ҳамда ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилиш муҳим аҳамиятга эга. Қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик буюмларини ва валюта қимматликларини божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиш боғлиқ ҳуқуқбузарликлар фуқаролик муомаласидаги товарлар бўлиб, бевосита заргарлик буюмлари ва валюта қимматликларининг ноқонуний ҳаракати мамлакатнинг иқтисодий манфаатларига таъсир кўрсатади ҳамда иқтисодий манфаатларга қарши жиноятлар тоифасига киради.

МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу мақолани тайёрлашда IMRAD усулидан фойдаланилди. Бунда, тегишли соҳадаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикри ўрганилди, муҳокама қилинди ва таққосланди. Шунингдек, таҳлилда муаллифнинг субъектив фикрлари ҳам катта ўрин эгаллайди.

АСОСИЙ ҚИСМ (НАТИЖА ВА МУҲОКАМА)

Миллий жиноят қонунчилигининг ўзига хослиги ҳамда мукамаллиги шундаки, унда қонун билан эркин муомалага киритиладиган айрим товарларга нисбатан чекловлар ўрнатилганлиги, шунингдек эркин муомалага киритиш тақиқланган ва чекланган ашёларнинг давлат чегарасидан олиб кирилишининг алоҳида жиноят сифатида эътироф этилганлиги ҳисобланади. Зеро, Жиноят кодексининг (*кейинги ўринларда ЖК*) 182-моддаси божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солса, 246-моддаси контрабанда, яъни фуқаролик муомаласи тақиқланган ёки чекланган ашёларни олиб кирилишига жазо муқаррарлигини белгилайди.

Тадқиқот жараёнида хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги таҳлил қилиниб, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган нормалар қиёсий ўрганилганда, мазкур жиноятлар иқтисодий соҳадаги ижтимоий муносабатларга қарши қаратилган яъни иқтисодий контрабанда ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган контрабанда ҳуқуқбузарликларидан иборат эканлиги маълум бўлади.

“Божхона ҳуқуқбузарлиги – бу божхона қонунчилигини бузадиган исталган турдаги ҳуқуқбузарлик ёки шундай ҳуқуқбузарликни содир этишга уринишдир”.

Мамлакатимизда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятига оид қонун нормаларини такомиллаштириш хусусида М.Х.Рустамбаев, М.Усмоналиев,

Б.Д.Матмуродов, Н.О.Ҳамидов каби олимлар ўзларининг илмий ишларида ёритиб ўтган. Хорижий мамлакатларда эса ушбу соҳага оид изланишларни Д.В.Коземаслов, А.П.Кузнецов, Стадник Ю.О., Джумабекова.Б.Н, Ляскало.А.Нлар олиб борган.

Россиялик олима Паукова.Н.И “Валюта ҳуқуқбузарлиги — бу резидентлар ва норезидентлар томонидан (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқали) содир этилган, қонуний жавобгарлик белгиланган ноқонуний, жамият учун хавfli ва айбли ҳаракат (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир” деб таъриф берган.

Шу билан биргаликда, А.Н.Ляскало ҳам “контрабанда мамлакат иқтисодий хавфсизлигига ва иқтисодий суверенитетига зарар етказишини, унинг ижтимоий хавfliлиги, авваламбор, унинг давлатда ўрнатилган ташқи савдо фаолияти тартибини жиддий бузиши, бунинг натижасида бож ва бошқа тўловлар келиб тушмаслиги натижасида давлат бюджетининг даромад қисми қисқаришида намоён бўлишини” таъкидлайди.

Валюта қимматликларини божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар айрим хорижий давлатлар қонунчилигида иқтисодий контрабанда сифатида таърифланган. Хусусан, Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 234-моддаси, Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси 206-моддаси 1-қисми, Арманистон Республикаси Жиноят Кодексининг 215-моддаси, Грузия Республикаси Жиноят кодекси 214-моддаси 1-қисми, Россия Федерацияси Жиноят кодекси 188-моддаси 1-қисми, Молдова Республикаси Жиноят кодекси 248-моддаси 1-қисми, Тожикистон Республикаси Жиноят кодекси 289-моддаси 1-қисми, Украина Жиноят кодекси 201-моддаси 1-қисмига кўра, ҳар қандай товар, қимматликлар хусусан, валюта қимматликлари ва заргарлик буюмларини божхона чегараси орқали ўтказиш контрабанда сифатида малакаланади. Бирок, мамлакатларда божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилаётган товарларнинг миқдори аҳамият касб этиб, бундай қилмиш кўп миқдордаги товар, қимматликлар ёки бошқа предметларни ўтказиш орқали содир этилсагина жиноят сифатида баҳоланган.

Мазкур давлатларнинг жиноят кодекслари мазмуни қиёсий ўрганилганда товарларнинг миқдорини белгиланишдаги кўп ёки жуда кўп миқдор тушунчаларига таъриф мамлакатимиз қонунчилигида бўлгани каби базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб белгиланади, бироқ, хорижий мамлакатлар жиноят кодексларида мамлакатимиз қонунчилигидан фарқли равишда мазкур миқдорларга таъриф бевосита мазкур моддаларнинг ўзида кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 200¹-моддаси Нақд пул воситалари ва (ёки) пул инструментлари контрабандаси деб номланиб, валюта пул

маблағларини божхона чегараси орқали қонунга ҳилоф равишда олиб чиқиш билан боғлиқ жиноятлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Шу жумладан, Россия Федерациясида нақд пул воситалари контрабандаси жиноятлари бўйича бизнинг жиноят процессуал қонунчиликдан фарқли равишда (*Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 200¹-моддаси*) бевосита божхона органлари суриштирувчилари томонидан тергов шаклидаги суриштирув ўтказилади.

Шу билан биргаликда “Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 188-моддаси 1, 3, 4-қисмларининг декриминаллаштирилиши муносабати билан заргарлик буюмларини Божхона иттифоқи божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтган шахслар Россия Федерацияси божхона органлари томонидан фақат “Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг (*Россия Федерацияси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс*) 16²-моддаси 1-қисми қоидаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади”.

Шу ўринда ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликларни тўғри малакашда ва жавобгарлик масалаларини ҳал этишда бевосита таъсир этувчи Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали қимматбаҳо металлاردан ясалган заргарлик буюмлари ва валюта қимматликларини олиб ўтиш тартибини белгиловчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари билан танишиб чиқишимиз лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 22.10.2019 йилдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-573-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 январдаги “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси нақд валютаси ва нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 66-сонли Қарори ва “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги 05.04.2013 йилдаги Низом кабилар киради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 январдаги “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси нақд валютаси ва нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 66-сонли Қарорига илова қилинган Қоидаларнинг 2-бандида жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган ва олиб чиқиб кетилаётган 100 000 000 (юз миллион) сўм эквивалентидан ортиқ миқдордаги Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси (кейинги ўринларда — нақд валюта маблағлари)

йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва божхона органи ходими тақдим этиш йўли билан божхона назоратидан ўтказилиши 5-бандида эса жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 100 000 000 (юз миллион) сўмга тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига божхона назорати қоидаларига риоя этилган ҳолда чекловларсиз олиб чиқилиши, белгиланган суммадан ортиқ миқдордаги нақд валюта маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқилишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 100 000 000 (юз миллион) сўмдан ортиқ миқдордаги нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетишга қуйидаги ҳолатларда йўл қўйилиши белгиланган:

резидентлар томонидан — хорижий давлатларга хизмат сафарига кетаётган Ҳукумат делегацияси аъзолари учун Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида;

норезидентлар томонидан — Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида расмийлаштирилган йўловчи божхона декларацияси асосида декларация қилинган маблағлар доирасида, шунингдек, республикада белгиланган тартибда ташкил қилинган халқаро мусобақалар (танловлар, олимпиадалар) совриндорлари ёки қатнашчилари томонидан маблағларнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида. Бунда норезидент жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида тўлдирилган йўловчи божхона декларациясида кўрсатилган нақд валюта маблағларидан республика ҳудудида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ фойдаланилган қолдиқ миқдори доирасидаги нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишга йўл қўйилади.

Шу билан биргаликда шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 январдаги 66-сон Қарорига мувофиқ Жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган ва олиб чиқиб кетилаётган 100 000 000 (юз миллион) сўм эквивалентига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд валюта маблағлари ҳам декларация қилиниши мумкинлиги баён қилинган. Ушбу тартиб фақат нақд валюталарга тадбиқ этилади.

Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали заргарлик буюмларини олиб ўтиш тартиблари қуйидаги норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3512-сонли қарорида жисмоний шахс томонидан республикага олиб кириладиган, божхона тўловларига тортилмайдиган товарларнинг чегараланган нормалари белгиланган бўлиб, ушбу қарорнинг 1-иловасида жисмоний шахслар юқорида кўрсатиб

ўтилган меъёрлар доирасида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмларини умумий оғирлиги 65 грамдан кўп бўлмаган миқдорда божхона тўловлари тўланмасдан божхона чегараси орқали олиб кириш мумкинлиги баён қилинган.

Мазкур қарорда жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металллардан тайёрланган ўлчовли ёмбилар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини уларнинг сертификатлари мавжуд бўлган ҳолатларда республика ҳудудидан ташқарига чекловларсиз олиб чиқиш ва товарларни қонунчиликда белгиланган нормаларининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда, йўловчи божхона декларациясини тўлдириб олиб чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Жисмоний шахсларнинг мамлакатимиз божхона чегараси орқали заргарлик буюмларини олиб чиқиш тартиби “Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва маҳаллий заргарларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-452-сонли қарори ҳамда “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5721-сонли ва “Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-104-сонли фармонларида кўрсатиб ўтилган бўлиб унга асосан *жисмоний шахсларга оғирлиги 200 граммгача бўлган қумушдан ҳамда 65 граммгача бўлган олтин ва бошқа қимматбаҳо металллардан ясалган тайёр заргарлик буюмларини* йўловчи божхона декларациясини тўлдирмасдан, ушбу миқдорлардан ортиқ бўлган буюмларни йўловчи божхона декларацияси асосида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсат берилади.

Мазкур тартибларга амал қилиниши устидан божхона органлари томонидан доимий назорат амалга оширилади.

Тадқиқот жарёнида бир қатор хорижий мамлакатлар қонунчилигида жавобгарлик масалаларига бевосита таъсир қилувчи валюта қимматликлари ва заргарлик буюмларини божхона чегараси орқали олиб нормалари миқдори ва талаблари ўрганилди, хусусан Евроосиё иқтисодий иттифоқи қонунчилиги талабига биноан Россия Федерациясининг амалдаги қонунчилигига биноан 2023 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали 10 минг АҚШ доллари миқдоригача бўлган нақд валютани декларация тўлдирмасдан олиб чиқиш мумкинлиги белгиланди.

Евроосиё иқтисодий иттифоқининг Божхона кодексига кўра, жисмоний шахс томонидан божхона чегараси орқали 10 минг АҚШ доллар эквивалентидан ортиқ нақд валютани олиб чиқишда декларация тўлдириш талаб қилинади ҳамда 100 минг доллардан

ошган суммада эса пулнинг келиб чиқишини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши кераклиги белгиланган.

Қозоғистон, Қирғизистон, ва Туркменистон Республикаларида нақд хорижий валютани давлат чегарасидан ташқарига олиб чиқиш тартиби ушбу мамлакатларнинг миллий қонунчилиги ҳамда Евроосиё Иқтисодий Иттифоқига аъзо давлатларда иттифок меъёрий-ҳуқуқий базасига мувофиқ тартибга солинади. Жумладан, Қозоғистон Республикасида нақд валютани божхона чегарасидан олиб чиқишда “Валюта тўғрисида”ги қонун (2018 йил 2 июлдаги № 167-VI, 14-модда) ва ЕОИИ Божхона кодекси (260-модда) билан тартибга солинади. Унга асосан жисмоний шахслар 10 000 АҚШ долларига тенг ёки ундан кам миқдордаги нақд валютани декларация талаб қилмасдан олиб чиқиши мумкин. Агар сумма ушбу лимитдан ошса, божхона органларида тўлиқ декларация талаб этилади, катта миқдорда нақд валютани эса келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатлар (*масалан, банк айирбошлаш операциялари бўйича транзакция чеклари*) талаб қилинади.

Тожикистон Республикасида эса валютани экспорт қилиш “Тожикистон Республикасида валюта тартибга солиш ва валюта назорати тўғрисида”ги қонун (*1995 йил 4 ноябрдаги № 100, 12-модда*) асосида амалга оширилади. Ушбу қонунга асосан жисмоний шахслар 3000 АҚШ долларигача бўлган миқдоридаги нақд валютани декларациясиз, 3000 дан 10 000 АҚШ долларигача бўлган суммани декларация билан олиб чиқиши мумкин. 10 000 АҚШ долларидан ортиқ миқдор учун Тожикистон Миллий банкидан махсус рухсатнома олиш зарур бўлиб, валюта манбаасининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (*масалан, банк транзакциялари ёки молиявий даромад тўғрисидаги маълумотлар*) тақдим этилиши талаб қилинади.

Шунингдек, “Россия Федерацияси қонунчилигига асосан жисмоний шахслар божхона чегараси орқали ўзларининг шахсий фойдаланиш учун заргарлик буюмларини Евроосиё Божхона иттифоқи ҳудудига (ҳудудидан) олиб кириш/олиб чиқиш 2010 йил 18 июндаги Келишув билан тартибга солинган ҳамда жисмоний шахслар томонидан шахсий заргарлик буюмларини Божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали ўтказиш тартиби белгиланган”.

“Табиий олмослар Евроосиё иқтисодий иттифоқи божхона чегараси орқали олиб ўтилганда алоҳида назоратга олинади ва алоҳида рўйхатга ажратилади. Улар ЕОИИ божхона ҳудудига етиб келганида ЕОИИга аъзо давлатларнинг божхона органларига ишлов берилмаган табиий олмосларни сертификатлаштиришнинг халқаро схемаси сертификати (*Кимберли жараёни сертификати*) тўғрисидаги маълумотлар сертификат рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда тақдим этилади”.

Валюта қимматликларини божхона чегарасидан олиб ўтиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ижтимоий хавфлилиқ хусусиятига кўра маъмурий ёки жиноий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Божхона ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун бевосита жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддасида назарда тутилган.

“Мазкур жиноят таркиби ўрганилганда унинг формал таркибли эканлиги яққол намоён бўлади”.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти валюта қимматликларини қуйидаги объектив томон ҳаракатлари яъни *божхона назоратини четлаб, божхона назоратидан яшириб, божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса* Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарлик вужудга келади.

Қуйидаги ҳаракатларни содир этиш 182-модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган жиноий жавобгарликни вужудга келтиради: *жуда кўп миқдорда, чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очиқдан-очиқ ўтказиш йўли билан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб ҳамда хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда* содир этилади. “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти Жиноят кодексининг 182-моддасида кўрсатилган 9 та усулда содир этилиши мумкин ҳамда ушбу жиноий қилмишлар учун жами 5 та жиноий жазо турлари қўлланилади”.

Шунингдек, ЖК 182-моддаси 1-қисми диспозицияси юқорида кўрсатилган ҳаракатларни ҳамда жиноят предмети қийматининг кўп миқдорда бўлишини назарда тутгани ҳолда маъмурий преюдицияни ҳам талаб қилади.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг маъмурий преюдицияси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (*кейинги ўринларда МЖмК*) 227²⁰-227²² моддалари билан қамраб олинади ва ушбу моддалар билан жавобгарлик белгиланишига сабаб бўлади.

“Шахснинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириладиган ёки олиб чиқиб кетиладиган Ўзбекистон Республикаси нақд валютаси ва нақд чет эл валютасининг декларация қилиниши талаб қилинмайдиган қисмидан ошиқча бўлган миқдоридан келиб чиққан ҳолда квалификация қилинади ҳамда нақд валютанинг декларациялаш шарт бўлмаган қисми жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предмети ҳисобланмайди. Бунда нақд валюта бир неча шахсларнинг иштирокида, улар ўртасида

тақсимланиб божхона чегараси орқали ўтказиш ҳолати аниқланганида, қилмиш нақд валютанинг жами миқдоридан келиб чиқиб квалификация қилинади”.

Хулоса ва таклифлар:

Юқоридагиларга асосан хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик буюмлари ва валюта қимматликларини божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масалалари юзасидан хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида ҳамда ушбу соҳада амалиётда юзага келаётган бир қатор муаммоларни ечими сифатида қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сураимиз:

Биринчи таклиф: ЖКнинг 182-моддаси номланишини Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишдан “Иқтисодий контрабанда” тушунчасига ўзгартириш ва ЖКнинг VIII-бўлимига ушбу тушунчани киритиш;

Иккинчи таклиф: Заргарлик буюмларини божхона чегараси орқали олиб чиқиш тартиблари белгиланган норматив ҳужжатларга ёки юқорида кўрсатиб ўтилган Олий суд Пленуми қарорига содда ва тушунарли тарзда “тайёр заргарлик” буюмларининг аниқ тушунчасини киритиш таклифини билдираимиз.

Амалдаги қонунчиликга асосан жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали белгиланган норма доирасида фақат тайёр заргарлик буюмларини олиб чиқишга рухсат берилган, яъни заргарлик буюмининг миқдори билан биргаликда унинг сифат кўрсаткичи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Учинчи таклиф: Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисмини қуйидаги мазмундаги д) банди билан тўлдириш “такроран ёки хавfli рецидивист томонидан” таклифини билдираимиз.

Суд-тергов амалиётида маълумки товарларни ноқонуний равишда божхона чегарасидан ўтказишни “касб” қилиб олган ҳуқуқбузарлар кўплаб учрайди.

Ушбу таклифни амалиётга киритилиши оқибатида айбдор шахсларнинг қилмишининг ижтимоий хавfliлик даражасига биноан жавобгарликка тортилишига эришилади.

Тўртинчи таклиф: Хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий ўрганган ҳолда Жиноят процессуал кодексининг 381²-моддаси 4-бандига Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари зиммасига ЖКнинг 182-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят бўйича суриштирув ўтказиш ваколатини бериш тарзда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш таклифини билдираимиз.

Ушбу таклифни киритишдан мақсад ЖКнинг 182-моддаси 1-қисми жинояти ижтимоий хавfliлик даражасига кўра унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кириши ҳамда ушбу жиноятларни тез ва тўла очиш, далилларни тўплаш ва айбдор шахсларни

кидириб топишда жиноят ишини кўзгатиш билан биргаликда суриштирув тарзда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишни тақоза этади.

Бешинчи таклиф: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан фақатгина 75 турдаги хорижий валюталарни эмас, балки барча давлатларда муомалада бўлган ва нақд тўлов воситаси сифатида қонун билан тан олинган валюта пул белгиларининг Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан қийматини белгилаш тизимини жорий этиш зарурати мавжудлиги сабабли, Марказий банкнинг конвертация тизимида ушбу мазмунда ўзгартириш таклифини билдирамиз.

Ваҳоланки ҳуқуқбузарлик ашёси сифатида олинган хорижий валютанинг қиймати Марказий банки томонидан белгиланган чет эл валютасининг сўмга нисбатан давлат курсидан келиб чиқиб аниқланади ҳамда ушбу миқдордан келиб чиқиб ҳуқуқбузарлик маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланган норма билан квалификация қилинади.

Бироқ, дунёда жами 256 та давлатларнинг пул бирликлари мавжуд бўлсада, Марказий банки томонидан бугунги кунда бор йўғи 75 турдаги чет эл валютасининг давлат курси белгилаб қўйилган ҳолос.

Олтинчи таклиф: Амалиётда айрим жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтмоқчи бўлган валюта маблағларининг белгиланган меъёр доирасидан ошганлик ҳолатларида, шунингдек, божхона чегараси орқали уларни қонунга ҳилоф равишда олиб чиқиш мақсадида, божхона чегарасини кесиб ўтиш жараёнида мамлакат фуқаролари ва бошқа шахслар билан олдиндан ўзаро келишув натижасида белгиланган нормадан ортиқча валютани йўловчиларга меъёр доирасида ўзаро тақсимлаб олиб чиқиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Шу боис, қонунчиликда заргарлик буюмларини ва валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда божхона чегарасидан олиб чиқишга қўмаклашган ёки шундай фаолиятни амалга оширишда иштирок этган шахсларга нисбатан масъулиятни янада ошириш ва уларга нисбатан алоҳида жавобгарлик нормаларини киритиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Божхона ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларни бартараф этишда ўзаро маъмурий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги халқаро Найроби Конвенцияси. (09.06.1977) 18 б;
2. “Божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти” (2021) Коллектив авторлик. Дарслик. – Т. Божхона институти. 492 б;
3. Б.Д.Матмуродов (2019) Жиноят таркиби бўйича квалификация қилиш масалалари. Ўқув қўлланма. Т.: Лессон пресс - 104 бет
4. В.В.Николаев, А.В.Николаев, В.Э.Вивтоненко (2018) “проблемы менеджмента и

маркетинга логистика” журнал Экономический вектор №4(15) УДК 34.07

5. Джумабекова.Б.Н (2011) Контрабанда: историко-правовое исследование: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Бишкек, 15 б;
6. Кузнецов.А.П (2015) Контрабанда наличныхденежных средств и (или) денежных инструментов: уголовноправовая регламентация и вопросы квалификации // Российский следователь № 2. 31 б;
7. Ляскало.А.Н (2014) Уголовная ответственность за незаконные операции по обналичиванию транзита денежных средств // Российский следователь. № 17. 23-28 б;
8. Коземаслов.Д.В (2002) Контрабанда (уголовно-правовые аспекты) Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук, 177 б;
9. Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях (2013) Москва: ГроссМедиа;
10. М.Усмоналиев (2008) “Жиноят таркиби” Тошкент 127 б
11. Н.О.Ҳамидов (2010) Контрабанда тушунчаси ва контрабанда учун жиноий жавобгарликнинг ижтимоий зарурияти. Илмий-электрон мақола.
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-9-12>
12. Паукова.Н.И (2016) Некоторые проблемы применения ответственности за нарушения валютного законодательства //Территория науки. №. 4. С. 185-188.
13. Приказ Минфина России от 02.08.2017 № 124н «Об утверждении формы сертификата вывоза необработанных природных алмазов и порядка его выдачи» // СПС «КонсультантПлюс»;
14. Рустамбоев.М.Ҳ (2015) Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм). Олий ўқув юртлири учун дарслик. Тошкент. “ИЛМ ЗИЁ”, 476 б;
15. Рустамбоев.М.Ҳ (2016) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ Махсус қисм. – ТОШКЕНТ. “Адолат” – 960 б;
16. Стадник.Ю.О (2016) Оперативно-розыскная деятельность в таможенном деле: теория и практика. –с 21
17. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар (2016) ТОШКЕНТ.: ”Адолат”, 606 б;
18. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 20.02.2023 йилдаги “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2-сонли қарори 4-5 б;